

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ТЕРМЕЗ ДАВЛАТ МУХАНДИСЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

МУСА ТЎРАБЕК НОРБОЙ ЎҒЛИ

**ШАРҚ ЧИНОРИ (*PLATANUS ORIENTALLUS L.*) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Муса Тўрабек Норбой ўғли

Шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) биоэкологияси ва кўпайтириш
технологияси..... 3

Муса Турабек Норбой угли

Биоэкология и технология размножения платана восточного (*Platanus
orientallis* L.) 19

Musa Turabek Norboy ugli

Bioecology and propagation technology of oriental plane tree (*Platanus
orientallis* L.)..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

**ТЕРМЕЗ ДАВЛАТ МУХАНДИСЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

МУСА ТЎРАБЕК НОРБОЙ ЎҒЛИ

**ШАРҚ ЧИНОРИ (*PLATANUS ORIENTALLUS L.*) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Qx1449 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамроев Хусен Фатуллаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдухалил Қайимов

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Мамутов Баҳром Хожаниязович

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил __ __ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№554932-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил __ __ куни тарқатилди.

(2025 йил 8 август №31-рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Асатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

С.А. Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсоният ўрмондан асосий хомашё сифатида унинг ёғочидан кенг кўламда фойдаланиб келаётган бўлиб, “дунё бўйлаб ўсиб бораётган ўрмонлар захираси қарийб 557 миллиард м³ ни ташкил этади ва мебель тайёрлаш, бино қуриш ҳамда бошқа мақсадлар учун ҳар йили тахминан 3,97 миллиард м³ ёғоч кесиб олинади”¹. Шу ўринда, ёғоч берувчи, тез ўсадиган ҳамда ташқи ноқулай омилларга чидамли бўлган дарахт турлари ассортиментини кенгайтириш ва уларни кўпайтириш усуллари ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё бўйича тез ўсадиган ёғоч берувчи дарахт турларини танлаш ва уларни кўпайтириш ишлари амалга ошириш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб, шундай турлардан бири бўлган чинор (*Platanus L.*) дарахти турларидан кенг кўламда фойдаланилиб, Туркияда уни ўсиш ареалини тадқиқ этиш ҳамда келгусидаги мавжудлигини башоратлаш орқали уни ўстириш мумкин бўлган ареалларни аниқлаш, Буюк Британия ва Испанияда мавжуд чинор дарахтларининг ҳолатини тадқиқ этиш орқали уларнинг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги баҳолаш, Болгария, Ҳиндистон, АҚШ ва Хитойда кўчатларини уруғидан, вегетатив ва *in vitro* усулларида етиштириш орқали ундан ҳимоя дарахтзорларини барпо этишда фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда, ҳудудлар бўйича ёғоч берувчи ва тез ўсадиган ҳамда ташқи ноқулай омилларга чидамли бўлган дарахт турларини танлаш, уларнинг ассортиментини ошириш ва мавжудларини кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда шарқ чинорининг дендрологик тавсифини тадқиқ этиш, кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, унинг биоэкологик хусусиятларини баҳолаш, уруғидан ва вегетатив усуллардан фойдаланилган ҳолда кўпайтиришга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Шу ўринда, турли майдонларнинг яшиллик даражасини ошириш ҳамда ташқи муҳит омилларининг салбий таъсирини камайтиришда ҳудудларга мос ва тез ўсадиган дарахт турларидан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши натижалари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16-апрелдаги ЎРҚ-475-сон “Ўрмон тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» ги ПҚ-4424-сон, 2020 йил 6 октябрдаги «Ўзбекистон

Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПҚ-4850-сон қарорлари ҳамда 2017 йил 17 июлдаги «Ўрмон хўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ВМ-530-сон қарорлари ва бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан асослашга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича шарқ чинорининг систематикаси, тарқалиш ареалини, биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этиш, кўпайтириш ҳамда дориворлик хусусиятларини таҳлил этиш бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу йўналишда АҚШ да Z.Kvacek, S.R.Manchester, S.X.Guo, Туркияда B.Akgyun, A.Okumush, E.Yazar, Хитойда I.B.Huegele, H.Zhu, B.Zhao, Y.F.Wang, Жанубий Корея Y.Feng, S.H.Oh, P.S.Manos, Германияда G.F.Tschan, T.Denk, M.V.Tekleva, Мексикада T.Denk, G.W.Grimm, A.K.Roseler каби олимлар шуғулланишган бўлиб, улар томонидан яратилган шакл ва навлардан плантациялар барпо этишда самарали фойдаланилмоқда.

Марказий Осиё давлатларда шарқ чинорини ўрганиш ва уни кўпайтириш ишлари В.Е.Божко, С.Н.Гиязов, К.Т.Орифхонов, В.П.Фимкин, Г.Ф.Махно, А.А.Абдурахманов, А.У.Новосельцева, Н.А.Стинов каби олимлар томонидан олиб борилган ва шарқ чинорининг ботаник тавсифи, келиб чиқиш тарихи, фенологияси, тарқалиш ареали, уруғидан кўпайтириш ишлари ўрганилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Бироқ, шарқ чинорининг ташқи муҳит омилларига муносабатини баҳолаш, уруғларни териб олиш муддати ва уларни экишга тайёрлаш усулини аниқлаш, вегетатив усулда кўпайтириш учун ёғочлашган қаламчаларни тайёрлаш ва илдиз олдирувчи стимуляторлардан фойдаланишга қаратилган тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Термез давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети Ўрмончилик, доривор ўсимликлар ва манзарали боғдорчилик кафедрасининг №19-1-сон «Ўзбекистон ўрмонларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш» мавзуси доирасида бажарилган (2022-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) нинг ташқи муҳит омилларига муносабатини таҳлил этиш, уруғларни териб олиш, экиш муддати ва усулини аниқлаш ҳамда вегетатив кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

шарқ чинорининг ташқи муҳит омилларига муносабатини таҳлил этиш орқали уларнинг ўсишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

уруғларни териб олиш муддатлари ва экишга тайёрлаш усулининг ниҳоллар униб чиқишига таъсирини аниқлаш;

ёғочлашган қаламча ўлчамларининг илдиз олиш ва ўсиш кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

илдиз олдирувчи стимуляторларнинг ёғочлашган қаламчалар илдиз олиши ва ўсишига таъсирини аниқлаш;

вегетатив усулда кўпайтиришнинг стандарт кўчат чиқиш миқдорига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Шарқ чинори дарахти, мевалари, уруғи, уруғкўчати, қаламча, илдиз олдирувчи стимулятор (корневин, гетероауксин, “Root energy”), кўчатлар тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Биоэкологик хусусиятлар тадқиқ қилиш, уруғларни териб олиш муддатларини аниқлаш, экишга тайёрлаш усулларини аниқлаш, қаламчаларнинг илдиз олиш ва сақланиб қолиш даражасини баҳолаш, ўсиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, стандарт кўчат чиқиш даражасини баҳолаш ишлари тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида ҳамда маршрутли кузатув услубларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилди. Дарахтзорларнинг ҳолати ва биоморфологик кўрсаткичлари Г.Н.Зайцева [1973] услуги, фенологик фазаларини тадқиқ этиш И.Н.Байдеман [1960] услуги, ташқи муҳит омилларига муносабатини баҳолаш бўйича С.В.Арестова., Е.А.Арестова [2017] услуги, тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлили “Методи агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии” [1977] услуги, уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтириш Т.А.Желтикова [1983] ва А.А.Молчанов [1967] услублари бўйича ўтказилди. Тажриба ўтказилган худуднинг иқлим шароитлари “Термез” метеостанцияси маълумотлари, олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов [1986] услуги асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Сурхондарё вилояти шароитида шарқ чинорининг ўсиши ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги орасида боғлиқлик мавжудлиги ва боғлиқликнинг корреляция коэффиценти $R^2 = 0,9081$ эканлиги аниқланган;

декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида териб олинган уруғларни март ойининг учинчи ўн кунлигида 2 кун давомида оқар сувда бўктириш ва 2 кун давомида димлаш орқали уруғлар унувчанлиги 66,5% гача ошириш ҳамда назоратга нисбатан 54,3% юқори натижа олиш мумкинлиги аниқланган;

ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида тайёрланган 20 см узунликка эга бўлган 26 мм диаметрли ёғочлашган қаламчаларни март ойининг биринчи ўн кунлигида экилганда 80% сақланиб қолиши ва йиллик ўсиши 60-64 см га етиши аниқланган;

илдиз олдирувчи “Root Energy” стимуляторидан фойдаланиш орқали ёғочлашган қаламчаларнинг илдиз олиш даражасини 94% га етказиш ҳамда ўсиш кўрсаткичини 2,3 маротабага ошириш мумкинлиги исботланган;

вегетатив усулда кўпайтириш орқали стандарт кўчатлар тайёрлаш муддатини 1 йилга камайтириш ва уларнинг миқдорини ўртача 1,6-1,8 мартагача ошириш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятининг турли ҳудудларида ўсаётган шарқ чинори дарахтларини ташқи муҳит омилларига муносабатини баҳолаш орқали барча ҳудудларда кўкаламзорлаштириш ва ҳимоя дарахтзорлари барпо этиш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

шарқ чинорининг 1 та уруғ тўпламида ўртача 1000-1200 дона уруғ мавжуд бўлиб, декабр ойининг биринчи ўн кунлиги терилган уруғ тўпламларидан ажратиб олинган уруғларни март ойининг учинчи ўн кунлигида оқар сувда 2 кун давомида бўктириш ва 2 кун давомида димлаш орқали 66,5% унувчанликка эришилган;

вегетатив усулда кўпайтиришда 1-3 йиллик ёғочлашган 20 см узунликка эга бўлган турли диаметрли ёғочлашган қаламчалардан фойдаланиш мумкин бўлиб, узунлиги 20 см диаметри 26 мм бўлган 2 йиллик ёғочлашган қаламчаларини ноябр ойида тайёрлаб март ойида экиш орқали қаламчаларнинг олдиз олиш даражасини 80% гача оширишга эришилган;

турли ўлчамдаги ёғочлашган қаламчаларни илдиз олдиришда “Root Energy” стимуляторидан фойдаланиш орқали қаламчаларнинг илдиз олиш ва сақланиб қолиш даражасини 94% га етказиш ҳамда ўсиш кўрсаткичинини 1,2-1,4 мартабага ошириш мумкинлиги аниқланган;

шарқ чинори стандарт кўчатларини вегетатив усулда 1 йилда етиштириш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот натижаларининг Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказ, Термез давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар ҳисоботларининг институт илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли ҳудудларда ўсаётган дарахтларнинг ташқи муҳит омилларига муносабати бўйича баҳоланганлиги, шарқ чинорининг ўсиш кўрсаткичлари ва иқлим омиллари орасидаги корреляцион боғлиқлигининг баҳоланганлиги, уруғларини териб олиш ва экиш муддатларини аниқланганлиги, экишга тайёрлаш усулини такомиллаштирилганлиги, вегетатив усулда етиштириш учун ёғочлашган қаламчалар ўлчамлари, тайёрлаш ва экиш муддатларини аниқланганлиги, уруғидан ва қаламчасидан кўпайтириш технологиясининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли ҳудудларда ўсаётган

шарқ чинори ўсиш кўрсаткичлари ва иқлим омиллари орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқланганлиги ҳамда регрессия тенгламасининг ишлаб чиқилганлиги, териб олинган уруғларни экишга тайёрлаш усулининг ишлаб чиқилганлиги, қаламча ўлчамларининг илдиз олиш ва ўсиш даражасига таъсирининг аниқланганлиги, илдиз олдирувчи стимуляторларнинг ёғочлашган қаламчалар илдиз олиш ва ўсиш даражасига таъсирини баҳоланганлиги, қаламчаларни тайёрлаш ва экиш муддатларини стандарт кўчатлар чиқишига таъсири аниқланганлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шарқ чинори биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш технологияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўрмон хўжаликлари учун “Шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) биоэкологияси ва кўпайтириш технологияси” мавзусидаги тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 3 февралдаги 03-03/1-03/3-1041-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома ўрмон хўжаликларида шарқ чинорининг кўчатларини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) нинг кўчатларини етиштиришда уруғларни териб олиш муддатлари ва экишга тайёрлаш усулларини аниқлаш ишланмаси Қизириқ, Сурхондарё ва Бойсун давлат ўрмон хўжаликлари кўчатхонларининг 3,0 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 3 февралдаги 03-03/1-03/3-1041-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 гектар майдонда кўчат етиштириш ва уни сотиш орқали 140 млн сўм даромад олинган;

шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) кўчатларини вегетатив усулда етиштиришда ёғочлашган қаламчаларни тайёрлаш муддатларини аниқлаш ишланмаси Қизириқ, Сурхондарё ва Бойсун давлат ўрмон хўжаликлари кўчатхонларининг 1,5 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 3 февралдаги 03-03/1-03/3-1041-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 гектар майдонда кўчат етиштириш ва уни сотиш орқали 300 млн сўм даромад олинган;

шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) кўчатларини вегетатив усулда етиштиришда ёғочлашган қаламчаларини илдиз олиш даражасини ошириш ишланмаси Қизириқ, Сурхондарё ва Бойсун давлат ўрмон хўжаликлари кўчатхонларининг 1,5 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 3 февралдаги 03-03/1-03/3-1041-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 гектар майдонда кўчат етиштириш ва уни сотиш орқали 350 млн сўм даромад олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Қишлоқ хўжалиги фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ҳозирги вақтда дунё миқёсида шарқ чинорини кўпайтириш бўйича эришилган ютуқлар, стандарт кўчатларини етиштириш агротехникаси, кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Шарқ чинори (*Platanus orientallis* L) тавсифи, тарқалиши ва кўпайтириш бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда кўплаб олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, шарқ чинорининг систематикаси, тарқалиш ареали, қўлланилиши, уруғидан ва вегетатив усулларда кўпайтириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар ҳамда унинг биоэкологик хусусиятлари, фенологияси, кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган дастлабки илмий-тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти, дастури ва услуги**» деб номланган иккинчи бобида кутилган натижага эришиш учун бажарилиши лозим бўлган тадқиқот ишларининг дастури, услуги ва тадқиқот объектининг тупроқ-иклим шароитлари баён этилган. Дастурда белгиланган масалалар дала тажрибалари ва лаборатория таҳлили орқали ўрганилди. Дала тажрибалари маршрутли кузатув асосида Сурхондарё вилоятининг турли ҳудудларида олиб борилди. Шарқ чинори (*Platanus orientallis* L) тавсифи, тарқалиши ва кўпайтириш бўйича адабиётлар шарҳи чоп этилган илмий мақолалар, илмий адабиётлар, ҳисоботлар ва бошқа илмий манбаалар асосида таҳлил этилди. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитларига тавсиф бериш учун «Термез» метеостанцияси маълумотларидан фойдаланилди. Дарахтзорларнинг ҳолати ва биоморфологик кўрсаткичлари Б.Н.Зайцева [1973] услугида, ташки муҳит омилларига муносабати Арестева услугида 100 баллик шкалада ўрганилди. Тадқиқот натижасида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастурида 95% аниқликда Б.А. Доспехов [1986] услуги асосида амалга оширилди. Статистик таҳлил қилишда ўртача арифметик қиймат, тажриба

хатолиги, ўртача квадратик четланиш, вариация коэффициентининг кийматлари шакллантирилди.

Тадқиқот ишлари дала, лаборатория ва маршрутли кузатув усулларидадан фойдаланилган ҳолда олиб борилди. Дала ишлари маршрутли кузатув асосида Сурхондарё вилоятининг Денов, Термез, Ангор, Қизирик, Бойсун, Сариосиё, Узун, Қумқўрғон, Музработ, Шарқўрғон ва Шўрчи туманлари ҳудудларида ўсаётган шарқ чинори дарахтларининг ҳолати ўрганилди ҳамда 100 баллик шкалада баҳоланди. Шарқ чинорини уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтириш бўйича тажрибалар Термез давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети тажриба хўжалиги ҳудудида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) нинг биоэкологик аспектлари**» деб номланган учинчи бобида ҳудудлардаги дарахтзорларнинг ҳолати, турли ҳудудларда ўсган дарахтларнинг биоэкологик хусусиятлари ва ташқи муҳит омилларига муносабати бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Республикамиз ҳудудларида химоя дарахтзорларини барпо этиш мақсадида кўплаб дарахт-бута турларидан фойдаланилган бўлиб, ана шундай турлардан бири шарқ чиноридир. Шарқ чинори асосан 1960 йиллардан сўнг кенг кўламда ўстирила бошланган. Сурхондарё вилояти ҳудудларида химоя дарахтзорларини барпо этиш мақсадида элдор қарағайи ва шарқ чиноридан кенг кўламда фойдаланилган. Тадқиқотлар мобайнида ушбу дарахтзорлардаги шарқ чинори дарахтларининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш ишлари амалга оширилди. Шарқ чиноридан асосан автомобиль йўллари атрофида химоя дарахтзорлари барпо этиш мақсадида фойдаланилган бўлиб, уларнинг ўсиш кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича турлича кўрсаткични намоён этди.

Мавжуд дарахтзорлардаги дарахтларнинг ҳолатини тадқиқ этишда текислик (Денов, Термез, Ангор, Қизирик, Қумқўрғон, Музработ, Жарқўрғон ва Шўрчи туманлари) ва тоғолди (Бойсун, Сариосиё ва Узун туманлари) ҳудудлари ажратиб олинди.

Шарқ чинори тоғолди ҳудудларида юқори баландликка эга бўлган бўлса, текислик ҳудудларида ушбу кўрсаткичлар уларга нисбатан 0,9-6,2 м га паст эканлиги аниқланди. Ҳудудлар бўйича энг юқори баландлик Узун туманида (2021 йилда $24,2 \pm 0,08$ м, 2022 йилда $25,3 \pm 0,06$ м, 2023 йилда $26,6 \pm 0,12$ м ва 2024 йилда $27,6 \pm 0,16$ м), энг паст баландлик эса Ангор туманида (2021 йилда $18,4 \pm 0,12$ м, 2022 йилда $19,4 \pm 0,14$ м, 2023 йилда $20,5 \pm 0,12$ м ва 2024 йилда $21,2 \pm 0,14$ м) кузатилди.

Ушбу ҳудудлардаги дарахтларнинг диаметр кўрсаткичлари ҳам баландликка мос равишда шаклланган бўлиб, юқори кўрсаткич тоғолди ҳудудларида аниқланган бўлса, текислик ҳудудларида эса паст кўрсаткични намоён этди. Ўлчов натижаларига кўра, юқори диаметрли дарахтлар Узун тумани ҳудудида, паст диаметрли дарахтлар эса Ангор тумани ҳудудида эканлиги аниқланиб, дарахтларнинг диаметри 2021 йилда $44,1 \pm 0,02$ см дан $76,2 \pm 0,04$ см гача бўлган бўлса, 2024 йилда $50,6 \pm 0,26$ см дан $82,6 \pm 0,18$ см гача бўлганлиги аниқланди.

Ҳудудлардаги шарқ чинори дарахтларининг ўсиш кўрсаткичларини таҳлил

этиш орқали уларнинг ўсишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида ўсиш кўрсаткичлари ва иқлим омиллари орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил этилди. Бунда ўсиш кўрсаткичлари ва иқлим омилларидан ҳавонинг нисбий намлиги орасидаги боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди. Айниқса ушбу боғлиқлик тоғолди ҳудудларида юқори даражада эканлиги кузатилди. Текислик ҳудудидаги дарахтларнинг ўсиш кўрсаткичлари ва ҳавонинг нисбий намлиги орасидаги боғлиқликнинг корреляция коэффициенти 0,032 ва 0,132 га тенг бўлган бўлса, тоғолди ҳудудларида ушбу кўрсаткич 0,3721 ва 0,9081 га тенг бўлди. Бу эса тоғолди ҳудудларида шарқ чинори дарахтларининг диаметр бўйича ўсиши ҳавонинг нисбий намлигига юқори даражада боғлиқ эканлигини англатади.

Вегетация даврининг тугалланиши текислик ҳудудларида ноябр ойининг иккинчи ўн кунлигининг охири, тоғолди ҳудудларида эса октябр ойининг учинчи декадасининг охиригача давом этди. Ушбу даврда дарахт танаси ташқи пўстлоқдан тозаланиши кузатилди. Кузатувларда тоғолди ҳудудларида ўсган дарахтлар танасининг ташқи пўстлоқдан тозаланиши текислик ҳудудларидагидан кўра юқори эканлиги аниқланди яъни тоғолди ҳудудларда ўсаётган шарқ чинори дарахтларининг танаси силлиқ бўлиши кузатилди.


Диссертациянинг «**Шарқ чинори (*Platanus orientallis* L.) ни кўпайтириш технологияси**» деб номланган тўртинчи бобида шарқ чинори уруғларини экишга тайёрлаш усуллари, экиш муддатлари, унувчанлиги ва ниҳолларнинг сақланиб қолиши, вегетатив усулда кўпайтириш учун қаламчаларни тайёрлаш муддатлари, қаламча ўлчамларининг илдиз олиш кўрсаткичларига таъсири, турли стимуляторларнинг қаламчалар илдиз олиш кўрсаткичларига таъсири, шарқ чинорини уруғидан ва вегетатив усулларда кўпайтиришнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Шарқ чинорини ўсиш ҳудуди уларнинг фенологияси ва ўсиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, улар уруғларидаги сифат кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам таҳлил этилди. Бунинг учун алоҳида ва бошқа турлар билан бирга ўсган Қизириқ давлат ўрмон хўжалиги ҳамда Денов дендарий боғи ҳудудидаги дарахтлар танлаб олинди. Ушбу ҳудудлардаги дарахтлар ўзининг ўсиш кўрсаткичлари ва биоэкологик кўрсаткичлари бўйича ҳудудлар учун модел дарахт вазифасини бажара олганлиги учун танлаб олинди.

1 дона мевадаги уруғлар сони Қизириқ давлат ўрмон хўжалигидан териб олинган меваларда 893-950 донани ташкил этган бўлса, Денов дендарий боғида 1000-1200 донани ташкил этганлиги аниқланди. 1 кг мевадан уруғ чиқиш даражаси Қизириқ давлат ўрмон хўжалигидан териб олинган меваларда 75,3%, Денов дендрарий боғида эса 76,5% га тенг бўлди. Уруғ ўлчамлари бўйича Денов дендарий боғидан териб олинган уруғлар узунлиги 0,5 смга узунлиги, диаметри эса 0,2 мм қалин эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, 1000 дона уруғ оғирлиги Қизириқ давлат ўрмон хўжалигидаги дарахтлар меваларида 2,5-3,5 г бўлган бўлса, Денов дендрарий боғидаги дарахтлар меваларида 3,0-3,8 г га тенг эканлиги аниқланди.

Қизириқ давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидаги дарахтлардан териб олинган

дарахтлар уруғларининг унувчанлиги 2022 йилда 62%, 2023 йилда 67% ва 2024 йилда 64% ни ташкил этган бўлса, Денов дендрарий боғи ҳудудидан териб олинган уруғларда ушбу кўрсаткич 2022 йилда 70%, 2023 йилда 74% ва 2024 йилда 71% ни ташкил этди (1-расмга қаранг).



1-расм. Шарқ чинори дарахтлари ўсиш шароитининг уруғ унувчанлигига таъсири, % (2022-2024 йй.)

Қишки муддатларда териб олинган уруғларнинг унувчанлиги декабр ойининг иккинчи ўн кунлигигача ортиб борган бўлса, ундан сўнг унувчанликни камайганлиги кузатилди. Лаборатория шароитидаги унувчанлик декабр ойининг биринчи ўн кунлигида 63-67% бўлган бўлса, иккинчи ўн кунлигида 65-69%, учинчи ўн кунлигида 60-63% га тенг бўлди. дала шароитидаги унувчанлик ҳам шунга мос равишда ўзгариб турди.




2-расм. Уруғларни оқар сувда бўктириш ва димлаш жараёнларининг уруғ униб чиқиши ва ўсишига таъсири (2022-2024 йй.)

Териб олинган уруғларни сақлаш муддатини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларимизда унувчанлик иккинчи йили 10-18%, учинчи йили 6-8%, тўртинчи йилга бориб уруғлар унувчанлигини бутунлай йўқотганлигини аниқланди.

Шарқ чинорининг оқар сувда 1-кун давомида бўктирилган уруғларнинг униб чиқиш даражаси ўртача 25,4-30,2%, 2 кун бўктирилганда 42,3-46,4%, 3 кун бўктирилганда 34,5-38,6%, 4 кун бўктирилганда эса 28,2-31,4% га тенг бўлган бўлса, 2 кун давомида бўктирилган уруғларни 1 кун димланганда унувчанликни 10,0-10,3% га, 2 кун димланганда 18,6-24,2% га, 3 кун димланганда эса 3,8-13,4% га ортганлиги кузатилди (2-расмга қаранг).

Уруғларни 2 кун давомида орқар сувга бўктириш ва униб чиқиш даражаси орасидаги боғлиқликнинг корреляция коэффиценти (R^2) 0,6404 га тенг бўлган бўлса, ушбу уруғларни қўшимча равишда 2 кун давомида димлаш орқали униб чиқиш даражасини ошириш натижасида корреляция коэффиценти ҳам 0,8367 га тенг бўлганлиги яъни ортганлиги аниқланди (3-расмга қаранг).



3 – расм. Шарқ чинори уруғларини бўктириш ҳамда димлашнинг уруғ униб чиқиш даражаси орасидаги боғлиқлиги (2024 йил)

а – 2-кун сувга бўктирилган; б – 2-кун сувга бўктирилган ва 2-кун димланган

Уруғларни экишга тайёрлаш усули нафақат уларнинг униб чиқишига балки униб чиқиш муддатига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тадқиқотларимизда ишлов берилмасдан сепилга уруғлар етарли намлик билан таъминланиш натижасида 32-38 кунда униб чиққан бўлса, сувга бўктириш орқали ушбу муддатни 16-18 кун бўлиши таъминланди. Оқар сувда бўктирилган ва димланган уруғларда эса униб чиқиш муддати 8-16 кунни ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2 кун давомида орқар сувга бўктирилган ва 3 кун димланган уруғларда 8-10 кунни ташкил этди.


Ўсиб ривожланаётган уруғкўчатларнинг баландлиги биринчи йилда $38,6 \pm 0,64$ см бўлган бўлса, иккинчи йилда $138,4 \pm 0,74$ см га тенг бўлганлиги аниқланди. Илдиз бўғзининг диаметри эса биринчи йили $5,9 \pm 0,34$ мм, иккинчи йили $40,4 \pm 0,45$ мм га тенг бўлди. Бизнинг тадқиқотимизда етиштирилган кўчатларнинг биринчи йили 2%, иккинчи йили эса 40% и стандарт кўчатга

кўйилган талабларга жавоб берди (стандарт кўчат кўрсаткичи ГОСТ 24835-93 талабига кўра илдиз бўғзининг диаметри 10 мм, бадандлиги 50 см дан кам бўлмаслиги керак).

Шарқ чинорининг вегетатив усулда кўпайтириш мақсадида 100 дондан қаламчалар тайёрланди. Экилган қаламчаларнинг сақланиб қолиш даражасини таҳлил этиш мақсадида май ойидан бошлаб ҳар ойда соғлом кўчатлар миқдори аниқлаб борилди. Вегетация охирида кўчатларни сақланиш даражаси кузда тайёрланган ва экилган қаламчаларда 50% ни, кузда тайёрланган ва баҳорда экилган қаламчаларда баҳорги қаламчалардан етиштирилган кўчатларни сақланиш даражаси 84% ни, баҳорда тайёрланиб дарҳол экилган қаламчаларда 34% ни ташкил этди.

Кўчатларнинг ўсиш кўрсаткичларига кўра кузда тайёрланган ва тупроққа кўмиб баҳорда экилган қаламчалардан етиштирилган кўчатларда энг яхши кўрсаткич қайд этиб кўчатларнинг ўртача бадандлиги $80,3 \pm 1,2$ см ни, илдиз бўғзининг ўртача диаметри эса $14,6 \pm 0,23$ мм ни ташкил этди.

Таdqикотларда қаламчаларнинг илдиз олиш даражаси унинг диаметри ва илдиз олдирувчи стимуляторларга боғлиқ ҳолда ўзгариб турди. Юқори кўрсаткич “Root Energy” стимулятори билан ишлов берилгандаги 26 мм диаметрга эга бўлган қаламчаларда кузатилиб, вегетация даврининг сўнгида қаламчаларнинг илдиз олиши ва сақланиб қолиш даражаси 94% ни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу стимулятор билан ишлов берилда вегетация даврининг сўнгига бориб диаметри 10 мм бўлган қаламчалар 86%, 14 ва 18 мм ли қаламчалар 90%, 22 мм ли қаламчалар 92%, 30 мм бўлган қаламчалар эса 84% қисми илдиз олганлиги ҳамда сақланиб қолганлиги аниқланди.



4-расм. Илдиз олдирувчи стимуляторларнинг турли диаметрли қаламчалар илдиз олиши ва сақланиб қолишига таъсири

Қаламчаларнинг диаметрига мос равишда стимуляторлар билан ишлов берилгандан сўнг илдиз олиш ва сақланиб қолиш даражаси назорат вариантыда 35-45% бўлган бўлса, корневин билан ишлов берилганда 54-67%, гетероауксин билан ишлов берилганда 61-78% га тенг бўлди (4-расмга қаранг).

Қаламча ўлчамлари ва илдиз олиш даражаси орасидаги боғлиқликнинг

корреляцион боғлиқлиги таҳлил этилганда, қаламча диаметри ва илдиз олиш даражаси орасидаги боғлиқлик юқори эканлиги аниқланди. Боғлиқликнинг корреляция коэффициенти 0,9205 ни ташкил этиб, регрессия тенгламаси $y=0,45x+82,3$ кўринишида бўлди.

Вегетация сўнгида кўчатларнинг биометрик кўрсаткичлари таҳлил этилганда, назорат вариантыдаги кўчатнинг баландлиги $62,2\pm 0,83$ см, илдиз бўғзининг диаметри эса $6,8\pm 0,28$ мм га тенг бўлган бўлса, корневин билан ишлов берилганда $106,5\pm 1,44$ см ва $6,8\pm 0,22$ мм, “Root Energy” билан ишлов берилганда $145,7\pm 1,44$ см ва $8,2\pm 0,12$ мм ни ташкил этди (5-расмга қаранг).



5-расм. Шарқ чинорининг вегетатив усулда етиштирилган кўчатлари (2022-2024 йй.)

1-жадвал

Шарқ чинори кўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2024 й.)

№	Кўрсаткичлар	Кўчат етиштириш усули	
		уруғидан	қаламчасидан
1	1 гектардаги кўчатлар миқдори, минг дона	166,7	83,350
2	Стандарт кўчат чиқиш даражаси, %	40	84
3	1 гектардан олинadиган стандарт кўчатлар миқдори, минг дона	66,680	70,347
4	1 дона стандарт кўчатнинг нархи, минг сўм	10	10
5	Кўчатлар реализациясидан келган пул тушуми, минг сўм	666800,0	703470,0
6	Кўчат етиштириш харажатлари, минг сўм	42895,31	33551,96
7	Кўчат етиштириш учун керак бўладиган муддат, йил	2	1
8	Соф даромад, минг сўм	623904,69	669918,04
	Вегетатив кўпайтириш самараси, минг сўм	-	46013,35

Кўчатзорда Шарқ чинорининг 2 йиллик уруғкўчатларини етиштириш учун 1 гектарга қилинган жами харажатлари 42895,31 минг сўм/га ни ташкил этади. Қаламчасидан етиштирилган бир йиллик кўчатлар учун эса 1 гектар майдонга 33551,96 минг сўм харажат қилинади.

1 гектар кўчатзорда етиштирилган жами Шарқ чинори уруғкўчатларнинг 66680, вегетатив кўпайтирилган кўчатларнинг 70347 донаси стандарт кўчатлар хисобланиб, Шарқ чинори уруғкўчатининг ўртача бозор баҳоси 10 минг сўм эканлигини инобатга олсак, 1 гектардаги уруғкўчатларни сотиш орқали 66680 минг сўм, вегетатив усулда етиштирилган кўчатлари сотиш орқали эса 669918,04 минг сўм даромад олинади. Шарқ чинорини қаламчасидан етиштириш орқали уруғкўчатдагидан 46013,35 минг сўм кўшимча даромад олиш мумкин бўлади.

ХУЛОСАЛАР

Шарқ чинорининг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш технологияси бўйича олиб борилган тажриба ишлари натижаларини таҳлили ҳамда илмий маълумотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Сурхондарё вилояти шароитида шарқ чинорининг баланд бўйли ва катта диаметрли дарахтлари Узун тумани худудида, паст бўйли ва кичик диаметрли дарахтлар эса Ангор тумани худудида эканлиги. Шарқ чинори дарахтларининг диаметри ва ҳавонинг нисбий намлиги орасидаги боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланиб, боғлиқликнинг корреляция коэффициенти 0,9081 га тенг бўлди;

2. Қизириқ давлат ўрмон хўжалиги худудидаги шарқ чинори дарахтларидан териб олинган дарахтларда 1 дона мева оғирлиги 2,5-3,5 г, ундаги уруғлар сони 893-950 дона, 1 кг мевадан уруғ чиқиш даражаси 75,3%, унувчанлиги 67%, Денов дендрарий боғида эса 1 дона мева оғирлиги 3,0-3,8 г, ундаги уруғлар сони 1000-1200 дона, 1 кг мевадан уруғ чиқиш даражаси 76,5%, унувчанлиги 74% га тенг эканлиги аниқланди.

3. Шарқ чинорини декабр ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида териб олинган уруғларни март ойининг учинчи декадасида 2 кун давомида оқар сувга бўктириш ва 2 кун давомида димлаш (уруғ муртақларининг бўртишига қараб) орқали унувчанликни 66,5% гача ошириш мумкин бўлади. Уруғларни оқар сувга бўктириш ва димлаш ҳамда унувчанлик орасидаги боғлиқликнинг корреляция коэффициенти 0,8367 га тенг эканлиги аниқланди;

4. Ўсиб ривожланаётган ниҳолларнинг баландлиги биринчи йилда $38,6 \pm 0,64$ см, иккинчи йилда $138,4 \pm 0,74$ см, илдиз бўғзининг диаметри биринчи йили $5,9 \pm 0,34$ мм, иккинчи йили $40,4 \pm 0,45$ мм га тенг бўлди, ҳамда етиштирилган кўчатларнинг биринчи йили 2%, иккинчи йили эса 40% и стандарт кўчатга қўйилган талабларга жавоб бериши аниқланди.

5. Шарқ чинорининг ноябр ойи учинчи ўн кунлигида тайёрланган 20 см узунликка эга бўлган 26 мм диаметрли ёғочлашган қаламчаларни март ойининг учинчи ўн кунлигида экилган қаламчалар 84% и сақланиб қолиши ва йиллик ўсиши 80,3 см га етиши мумкин;

6. Қаламча ўлчамлари ва илдиз олиш даражаси орасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, боғлиқликнинг корреляция коэффиценти 0,9205 ни ташкил этди ва регрессия тенгламаси $y=0,45x+82,3$ кўринишида бўлди;

7. Шарқ чинорининг ёғочлашган қаламчаларида илдиз олдирувчи “Root Energy” стимуляторидан фойдаланиш орқали уларнинг илдиз олиш даражасини 94% га етказиш ҳамда ўсиш кўрсаткичини 1,2-1,4 мартабага ошириш мумкин;

8. Шарқ чиноридаги вегетатив усулда кўчат етиштириш орқали стандарт кўчатлар тайёрлаш муддатини 1 йилга камайтириш ва уларнинг миқдорини ўртача 1,6-1,8 мартагача ошириш мумкин.

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш тавсия этилади

1. Шарқ чинори уруғларини декабр ойининг иккинчи ўн кунлигида териб олиш, ҳамда баҳорги экиш олдидан 2 кун давомида оқар сувга бўктириш ва 2 кун давомида димлаб қўйиш (бунда уруғ муртакларининг бўртишини кузатиб бориш зарур);

2. Вегетатив усулда кўпайтириш учун кузда тайёрлаб узунлиги 20 см, диаметри 26 мм бўлган ёғочлашган қаламчаларни кўмиб қўйиш ва март ойининг учинчи декадасида илдиз олдирувчи стимуляторлар билан 4 соат давомида ишлов берилгандан сўнг экиш;

3. Тайёрланган қаламчаларнинг илдиз олиш даражасини ошириш учун илдиз олдирувчи стимулятор сифатида “Root Energy” дан фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИНЖЕНЕРИИ И АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

МУСА ТУРАБЕК НОРБОЙ УГЛИ

**БИОЭКОЛОГИЯ И ТЕХНОЛОГИЯ РАЗМНОЖЕНИЯ ПЛАТАНА
ВОСТОЧНОГО (*PLATANUS ORIENTALLUS L.*)**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2024.2.PhD/Qx1449

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Термезском государственном университете инженерии и агротехнологий

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский) (резюме) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.psuyaiti.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хамроев Хусен Фатуллаевич

доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент

Официальные оппоненты:

Абдухалил Кайимов

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Мамутов Бахром Хожаниязович

доктор сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

Агентство по увеличению лесов и зеленых зон и борьбе с опустыниванием

Защита диссертации состоится _____ 2025 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tgau@edu.uz. [Административное](#) здание Ташкентского государственного аграрного университета, 2-этаж, малый зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована № 554932). (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки №31 8 август 2025 года).

Ш.И.Асатов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

М.З.Холмуротов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н., доцент

С.А.Юнусов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Человечество широко использует леса, поскольку древесина является основным сырьем, “мировой запас растущего леса составляет около 557 млрд м³, а ежегодно для производства мебели, строительства зданий и других целей вырубается около 3,97 млрд м³ древесины”¹. В настоящее время одной из актуальных задач является расширение ассортимента древесных пород, дающих древесину, быстрорастущих и устойчивых к неблагоприятным внешним факторам, а также разработка методов их размножения.

По всему миру было проведено множество исследований по отбору и размножению быстрорастущих пород древесных пород, и одна из таких пород — платан (*Platanus L.*) — широко используется, в Турции проводятся исследования по изучению ареала его произрастания и прогнозированию его будущего существования, в Великобритании и Испании — по изучению состояния существующих платанов, а в Болгарии, Индии, США и Китае — по выращиванию саженцев из семян, вегетативным путем и методом *in-vitro*. В настоящее время одной из актуальных задач является расширение ассортимента древесных и быстрорастущих древесно-кустарниковых пород и разработка технологий выращивания имеющихся.

В нашей Республике проведен ряд исследований по дендрологическому описанию платана восточного, его использованию в озеленении, однако не проводились исследования, направленные на оценку его биоэкологических свойств, размножения семенным и вегетативным способами. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы определены задачи «Охраны экологии и окружающей среды, улучшения экологической обстановки в городах и районах, реализации общенационального проекта «Яшил макон». В этой связи актуальным является проведение исследований, направленных на эффективное использование регионально адаптированных и быстрорастущих пород деревьев для повышения уровня озеленения территорий и снижения негативного воздействия внешних факторов среды.

Результаты данной диссертационной работы соответствуют Закону Республики Узбекистан от 16 апреля 2018 года № УРК-475 «О лесе», Постановлению Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2019 года № ПП-4424 «О дополнительных мерах по повышению эффективности использования лесов в республике», Постановления №ПП-4850 от 6 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития лесного хозяйства Республики Узбекистан до 2030 года» и №ВМ-530 от 17 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления лесным хозяйством» и служит в определенной мере научному обоснованию задач в других нормативных правовых документах.

